



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 24 » январь

№ ПҚ–24

Туркий давлатлар халқаро университетини ташkil этиш тўғрисида

Туркий давлатлар ўртасида кейинги йилларда тобора ривожланиб бораётган сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш, таълим, илм-фан ва инновациялар соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда илғор халқаро тажрибалар асосида малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Республика олий таълим кенгаши ҳамда Туркия олий таълим кенгашининг (Туркия Республикаси) **Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар халқаро университетини** (кейинги ўринларда – Университет) **ташkil этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

2. Қуйидагилар Университет фаолиятининг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

муҳандислик, қурилиш, логистика, ахборот технологиялари ва дастурлаш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳа учун халқаро стандартларга мувофиқ олий маълумотли кадрлар тайёрлаш;

ўқув дастурларини хорижий, шу жумладан, **Туркиянинг етакчи олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда**, шунингдек, қўшма таълим дастурлари асосида жорий этиш ҳамда **илмий-тадқиқотлар олиб бориш;**

таълим ва илмий-тадқиқот йўналишларида етакчи хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликни ва талабаларнинг **академик мобиллигини йўлга қўйиш;**

профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нўфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда илмий-тадқиқот марказларида ташkil этиш орқали уларнинг **илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш;**

талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда **маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.**

3. Белгилаб қўйилсинки:

Университет Республика олий таълим кенгаши ҳамда Туркия олий таълим кенгашининг (Туркия Республикаси) муассислигидаги нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширади;

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Университетда таълим жараёни таълим соҳасида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингда биринчи 1000 талик рўйхатга кирган, шунингдек, ўз йўналишида етакчи ҳисобланган **Туркия Республикаси олий таълим ташкилотларининг ўқув дастурлари асосида ташкил этилади;**

келгусида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингда биринчи 1000 талик рўйхатга кирган бошқа туркий давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим дастурлари йўлга қўйилади;

Университетда талабаларни ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда қабул параметрлари ва тўлов-контракт миқдори Университет томонидан белгиланади;

Университетга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **давлат буюртмасининг тақсимоотида иштирок этишга** рухсат берилади;

Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мақомидаги давлатлар фуқароларига Университетда таҳсил олиш учун грант ўринлари ажратилиши мумкин;

Университетга талабаларни ўқишга қабул қилиш ва битирувчиларнинг аттестацияси Университет томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган талаб ва тартибга мувофиқ амалга оширилади;

Университет битирувчиларига ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотининг дипломи ҳамда Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади. Бунда битирувчиларга берилган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинади;

Университетга Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигидан белгиланган тартибда лицензия олингандан сўнг таълим фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилади.

4. Республика олий таълим кенгаши ҳамда Туркия олий таълим кенгаши (Туркия Республикаси) ўртасидаги келишувга асосан қўйидагилар Туркиянинг ҳамкор олий таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

Университетни Ўзбекистон Республикаси **давлат таълим стандартларини** инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган **ўқув-методик материаллар** (ўқув режаси ва дастурлари, ўқув адабиётлари) билан тўлиқ таъминлаш;

Университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун ҳамкор **хорижий олий таълим ташкилотларининг кутубхона фондидан фойдаланиш** имкониятини яратиш;

Университетда дарс машғулотларини олиб бориш учун etакчи хорижий, шу жумладан, **Туркиянинг ҳамкор олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш**;

Университет учун педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳар бир ҳамкор олий таълим ташкилотининг **магистратураси ва докторантурасига мақсадли грант ўринларини ажратиш**.

5. Туркий давлатлар халқаро университети фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда – Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Университетнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Университетни ривожлантириш дастури ва мақсадли кўрсаткичлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда келишиш;

Университетга юкланган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини назорат қилиб бориш ва йиллик ҳисоботларни қабул қилиш;

Университетни молиявий қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятини ривожлантириш учун ҳомийлик хайриялари ва бошқа манбаларни жалб этишга кўмаклашиш;

Университетга ажратилган биноларни таъмирлаш ва тиклаш учун зарур маблағларни ажратиш, ушбу биноларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, инвентарь, компьютер ва бошқа ташкилий жиҳозлар ҳамда кутубхона фонди билан таъминлаш;

Университет ректори ва проректори лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

6. Тошкент шаҳри Учтепа тумани Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси 3 ва 3а-уй манзилларида жойлашган Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент солиқ техникумининг бино ва иншоотлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

Университет ушбу бино ва иншоотларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

7. Тошкент солиқ техникуми ҳамда Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми негизида Тошкент иқтисодиёт ва солиқ техникуми ташкил этилсин.

8. Белгилансинки:

фаолияти тугатиладиган Тошкент солиқ техникуми ўқувчилари Тошкент иқтисодиёт ва солиқ техникумида амалдаги дастурлар асосида таълимни давом эттиради;

Тошкент солиқ техникумининг барча товар-моддий бойликлари (ўқув бино ва иншоотлари бундан мустасно) Тошкент иқтисодиёт ва солиқ техникумига белгиланган тартибда берилади;

Тошкент иқтисодиёт ва солиқ техникуми Тошкент солиқ техникуми ҳамда Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникумининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориши ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланиши инobatга олинсин:

Республика олий таълим кенгаши маблағлари;

Университетнинг ўз маблағлари;

тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан ва шартнома асосида таълим хизматлари кўрсатишдан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва грантлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буюртманомаларига асосан мазкур қарорнинг ижроси доирасида Университетга жалб қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буюртманомаларига асосан Университет фаолиятини ташкил этишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Туркий давлатлар халқаро университети фаолиятини
йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгашининг
ТАРКИБИ**

1. О. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари, Республика олий таълим кенгаши раиси, *Бошқарув кенгаши раиси*
2. Э.Ўзвар – Туркия олий таълим кенгаши раиси, *Бошқарув кенгаши ҳамраиси*
3. К. Шарипов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири, *Бошқарув кенгаши раиси ўринбосари*
4. Н. Будак – Туркиянинг Эге университети ректори
5. Ҳ. Мандал – Туркиянинг Истанбул техника университети ректори
6. А. Ёзгатлигил – Туркиянинг Яқин шарқ техника университети президенти
7. М. Гюуран – Туркиянинг Хажетеппе университети ректори
8. М. Мадраҳимов – ташқи ишлар вазири ўринбосари
9. Ш. Умурзаков – Тошкент шаҳар ҳокими
10. А. Худайқулов – “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси директори
11. *Лавозимига кўра* – Туркий давлатлар халқаро университети ректори, *Бошқарув кенгаши котиби*

Изоҳ.

Бошқарув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Бошқарув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан унинг таркибидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Бошқарув кенгаши қарорига кўра унинг фаолиятига тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

